



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 8-iyul • №28 (4115)

## НАВОИЙ ОРЗУСИДАН ЗИЁДА ШАҲАР



Алишер Навоий ўсмирлик йиллари билим олиш учун Хиротдан Самарқанд томон йўл олади. "Ипак йўли" узра ўз манзилига ошиқайтган қарвон Маликчўл даштида вайронага айланган қўрғонга дуч келади. Ёш ўғлон қўрғон тарихи билан қизиқиб қолади. Унга бу жойни босқинчилар вайрон этишганини гапириб беришади.

Шунда Алишер Навоий халқ абадийлигини, унинг бунёдкорлик салоҳияти асло сўнмаслигини таъкидлаб, ҳали бу ерларда янги шаҳарлар бунёд этилишини, ҳаёт гуллаб-яшнашига ишончи комил эканини айтади...

Замонлар ўтди. Халқнинг заҳматли меҳнати туйғулари Қизилқум бағри яшнда, кўплаб шаҳару қишлоқлар қад ростлаб, ўлка чиройини яшнатди.

### Фахримиз, гуруримиз

Президент Ислам Каримов 1999 йил 16 декабрда Навоий вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашув чоғида Алишер Навоийнинг 560 йиллик тантаналарини унинг номи билан аталувчи вилоятда бошлаб, Навоий шаҳрига улғуш шoir хайкалини ўрнатиб, атрофида истироҳат боғини яратишни тақдир этган эди:

"Қўна тарихимиз, миллий кадриятларимиз, буюк аждодларимиз ҳақида гапирганда, биринчилардан бўлиб улғуш мутафаккири шоир Алишер Навоий ҳазратлари кўз олдимизга келади. Чунки бу мўътабар зот миллатимиз шарафини кўкларга кўтарган, юртимиз доврўгини бутун оламга тараннум этган. Сизлар ана шундай буюк инсон номи билан аталган вилоятда яшаётганингиз билан ҳар қанча ифтихор эт-

сангиз арзийди. Шу муносабат билан мен кўпдан буён кўнглимга тугиб юрган бир ниятни сизларга билдирмоқчиман. Насиб этса, ҳадемай миллатимиз гурури, буюк шоир Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаймиз.

Бу табаррук тўйни, умуммиллий байрамимизни Сизнинг вилоятингиздан — Навоий вилоятдан бошласак нима дейсизлар?

Ўйлайманки, бу улғуш мутафаккиримиз даҳосига ҳурмат эҳтиромимизнинг яна бир ифодаси бўлади.

Бунинг учун, аввало, вилоят марказида Алишер Навоий ҳазратларининг гўзал бир боғи яратилиб, зиёратгоҳга айлантирилса, бу жойда улғуш шоирининг муаззам хайкали кўнгилларимизга фахр ва гурур бағишлаб турса, айни муддао бўлади".

Давоми иккинчи саҳифада.

## ОСОРИ АТИҚАЛАР — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Ўзбекистон инсоният тарихининг турли даврларига оид кўплаб ноёб музей экспонатлари сақланган мамлакатлардан биридир. Музтақилликнинг дастлабки кўнларидан бошлаб, юртимизда музейлар фаолиятини такомиллаштириш, улар воситасида халқимиз онгига миллий гурур ва ифтихор туйғуларини кўчатириш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорларида, хусусан, 2008 йил 12 сентябрда босма нашрлар, электрон усқуналардан кенг фойдаланиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз салоҳияти ва қудрати, туб ислохотларимиз моҳиятини аҳолининг кенг қатламига, айниқса, ёшлар онгига чуқур синдириш мақсадига барча музейларда "Музтақиллик экспозицияси" ташкил этишига киришилди. Экспозиция ўнга бўлимдан иборат бўлиб, истиклол йилларида юз берган тарихий воқеалар, меъморчилик ва ободонаштартириш ишлари, маънавий кадриятлар ва миллий ўзлигини англашнинг тикланиши, маданият ва санъат соҳасида эришилган ютуқларни акс эттирди.

Шоке" асари олинган, бироқ муззей раҳбариятининг муражаатлари қарамай, асар қайтариб берилмаган. Мазлумки, жаннатмонанд Ватанимиз барча даврларда чет эл истилочиларининг диққат марказида бўлган. Босқинчилик урушлари, ҳукмрон доираларнинг ўзаро ички зиддиятлари туйғулари бетақдор саройлар, гўзал шаҳарлар, ноёб иншоотлар вайронага айланиб, йиғилган бебаҳо маданий бойликлар истилочилар ўлжасига айланган. Масалан, 1869 йили Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К.П.Кауфман Самарқанддан муулмон дунёсининг муқаддас китоби — VII асрда қуфий ёзувида кўчирилган "Усмон қуръони"ни Петербург императорига жўналади. Музтақилликимизнинг дастлабки йилларида ҳуқуқимизнинг, шахсан Президентимиз сый-ҳаракати билан "Усмон қуръони" халқимизга қайтарилди.

1870 йили Рус империясининг ҳарбий юришида Шаҳрисабз ва Китоб беқликларига қарашли жойлардан 97 жил қадимий кўлэмалар тортиб олинган. Маданий ва маънавий ёдгорликлар-

ни илмий асосда йиғиш 1873 йили Хива хонлигига юриш олди-дан жуда мукамал ташкил қилинади. Бу ишга Петербургдаги рус география жамияти бош-қош бўлиб, улар томонидан хонликда нималарга эътибор бериш ва йиғиш ҳақида мукамал дастур ишлаб чиқилади.

Шу даврда Хива хони саройи ва хазинадаги кўлэм ва ҳужжатлар Петербург императори кутубхонасига, хон тахти эса Москвадаги қурол-аслаҳа палатасига топширилган. Тахтни илмий тавсиф этган рус олими В.В.Стасов шундай ёзади: "Бу тахт Хива хунарманд усталарининг маҳорат чўққиси, яъни металга гул солиш

### Музей ва замон

хунарининг бетақдор маҳсулидир". Хон саройидан олинган қимматли ўлжалар бугунги кунда Петербург ва Москва музейларига, Эрмитаж, Царскосельский арсенал, Москва политехника музейига жўнатишган.

Бугун Ўзбекистон ҳуқуқати Халқаро музейлар кенгаши томонидан 2004 йили қабул қилинган "Музей этикаси" кодексининг 6-бандига биноан ноқонуний йўллар билан олиб кетилган ноёб осори-атиқаларни қайтариш ҳуқуқига эга. Қуни кеча юртимиздан олиб чиқиб кетилган бебаҳо асарлар рўйхатини аниқлаштириш бўйича Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфиди ишчи гуруҳ тuzишди. Бу гуруҳ зиммасига архив ва музейларда сақланиб қолган ёзишмаларни ўрганиш ҳамда рўйхатта олиш вазифаси юклатилди.

Камола НИШОНОВА

Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Тошкент фотосуратлар уйи ҳамкорлигида "Сиз билан фахрланаман" иккинчи республика фото танлови бўлиб ўтмоқда.

Замонамиз қаҳрамонлари — бугунги кун кишининг умумлашган образини яратиш мақсадида ўтказилаётган мазкур танловда барча ёшдаги фотосуратчилар иштирок этмоқда. Ўз ижод намуналари билан қатнашаётган таниқли санъатшунос Нодир Норматов танлов аҳамияти ҳақида шундай дейди:

— Бугунги кунимизни фотография санъатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Албатта, суратга олиш билан исталган одам шугулланиши мумкин. Лекин ҳаётнинг энг чуқур қатламларига кириб бориш ва бетақдор лаҳзаларни муҳрлаш оson эмас. Суратларим асо-

Дарё боғу чаманни кўкартиргани, оламни яшнатгани туйғулари улғуш. Вақт эса беҳуда ўтмагани, одамлар кўнглини обод этгани билан қадри. Ўтаётган шу кўнларнинг ҳар лаҳзаси шундай гўзал, шундай фусункор. Шамоллар дарахтлар баргларига шеър шивирлаётди! Дўрмон ижод боғидаги шундай фараҳбахш дамлардан бири Навоий вилоятдан ташриф буюрган ёш ижодкорлар учун ҳам ўзига хос мактаб бўлди. Бу кўтлуг масканда истиқлолимиз

### Устозлар ва шогиратлар

ёт йўналиши бўйича Зулфия мукофоти сазовор бўлдим. Ёшлик завқи билан кўлига қалам тутган бошловчи ижодкорлар музтақилликимизнинг 20 йиллиги тантаналари яқинлашаётган шу кезларда таниқли ижодкорлар суҳбатидан баҳраманд бўлиши биз учун катта сабоқ, деб ўйлайман.

## ИЖОД САБОҒИ

туйғулари адабиётимиз кўнгириги янада баландроқ жаранглаётди. Олис Қизилқум чўлининг қайноқ тафтини, қадим достончиларга бешик бўлган Октовнинг оқсўнлар чўққиларидаги виқору сурурни кўз қарашлари билан акс эттирган йиғит-қизларнинг устозлар ҳузурини ҳавас билан ўқиган сатрларида Ватан, Она, Тинчлик каби эзгу сўзлар янгради.

— Биз ёшларнинг ҳар томонлама етуқ бўлиб воёга етишимиз учун кўрсатилаётган ганҳўрликлар тенгдошларимнинг кучига қўшмоқда, — дейди Кармана педагогика коллежи талабаси Лайло Орзиева. — Бу йил адаби-

Атоқли ижодкорлар билан кечган мулоқотлар, савол-жавоблар қизгин ва қизиқарли бўлди.

"Буюк ва муқаддас Ватан фарзандларимиз" шiori остида ўтказилган ушбу учрашув қалбидagi оҳорли туйғуларни оппоқ қозоғга тушираётган ёшларни янада тўлқинлантирди.

Ёш ижодкорлар анжуман давомида Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Баҳриддин САДРИДИНОВ, Ёзувчилар уюшмаси Навоий вилоят бўлими масъул котиби

## ОБУНА — 2011

Азиз газетхон!

Севинди газетангиз — Ўзбекистон адабиёти ва санъати-га 2011 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда. Обуна туманларининг матбуот тарқатилиш бўлими, "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятининг почта бўлими, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилди. Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатилиш бўлими орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин.

Ҳурматли муштарий, агар сиз "ЎзАС"га вақтда обуна бўлсангиз ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.

Нашр кўрсаткичиниз — 222.

сан сўлим қишлоқлар, у ерда яшовчи оддий ўзбек одамларига бағишланган.

Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусикали драма театрида "Ягонасан, муқаддасан Ватан!" республика кўрж-танловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда қирқдан ортиқ ижодкорлар ўз иқтидорларини синаб кўриш имконига эга бўлди. Ранг-баранг, қизиқарли чиқишларга бой бўлган танловда Б.Мўминов "Ватан" қўшиғи билан биринчи ўринга лойиқ тоғилган бўлса, Г.Хайрулина иккинчи, К.Синдаров эса учинчи ўринга сазовор бўлди. Танлов якунида вилоятнинг Музтақиллик майдонига голиблар иштирокида концерт дастури ташкил этилди.

Озода БУРҲОНОВА

## "ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" СОЛНОМАСИ



ҚУТЛОВ

2001 ЙИЛ

...бу фестивал жаҳон аҳлининг ўзаро маданий мулоқотга бўлган ҳаётий эҳтиёжини, ҳар бир халқ, ҳар бир миллат руҳида азалдан яшаб келаётган яхшилик, гўзаллик ва нафосатга интилиш ҳиссини рўйбга чиқаришда бекиёс восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Музика санъатининг минг-минг йиллар давомида инсонлар қалбига юксак ва беғубор туйғуларни жо этиб келаятгани бу ёруғ оламни яна ҳам мунаввар қилиб кўрсатадиган илоҳий мўъжиза экани барчамизга аён.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Шарқ тароналари" учинчи халқаро музика фестивали очилиш маросимидаги табрик сўзидан.

"Шарқ тароналари" халқаро музика фестивалига дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатидан иштирокчилар ташриф буюрди. "Шарқ халқлари музика чоғулар" мавзудаги халқаро анжуманда нафақат хонанда-созандалар, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган музикашунослар ҳам қатнашди.

Фестивал жараёнларини дунёнинг кўпгина оммавий ахборот воситалари, жумладан, "Би-Би-Си", "Токио синема" телекомпанияси, "Ариенд-Пресс" агентлиги (Ливан), "Холидей Тревол Индия" (Хиндистон), "Аш-шарқ ал-афсат" (Англия) журналлари, Австрия, Эстония, Туркия телевиденилари, Франция телерадиожурналистлари кенг ёритди.

### ГОЛИБЛАР

Фестивалнинг олий мукофоти — Гран-при муносиб номзодлар бўлмагани учун берилмади.

Биринчи даражали мукофот — Сойибжон Ниёзов ва Абдунаби Иброҳимов (Ўзбекистон) ҳамда Олим Гасимов (Озарбойжон)га топширилди.

Иккинчи даражали мукофотга Мадхуши Рамсондер Бадалт-жавҳарий (Хиндистон) ва "Лашари" дастаси (Грузия) муносиб топилди.

Учинчи даражали мукофотга эса Нохиде Токтўз (Туркия), Халқ музика асбоблари музейи қошидаги ижодий гуруҳ (Греция) сазовор бўлди.

### Надим Череди, иштирокчи (Нидерландия):

— "Шарқ тароналари" фестивали бизга шунинг учун ҳам қадрлики, унда фақат миллатнинг қадимий оҳанглари янграб қолмай, қадимий, миллий либослар ҳам намойиш этилади. Бундай фестиваллар жаҳоннинг бошқа мамлакатларида деярли йўқ. Одамларни кўпроқ санъат бирлаштиради. Шунинг учун ҳам фестивал бутун дунёда доврўқ қозонаётди.

### ЭЪТИРОФ

### Илия Датишвили, санъаткор (Грузия):

— Самарқандда биринчи бор бўлишим. Қадимий архитектура ёдгорликлари, ҳушмуомала одамлар катта таассурот қолдирди. Фестивал очилишига бағишланган концертда сурхондарёлик санъаткорлар бешик кўтариб чиқишгани мени ҳайратга солди. Чунки бизда ҳам болани айнан бешикка боғлашади. Қишлоқларимизда ҳам бешик ва алла рақслари кўп ижро этилади.

Регистонда бўлишим ва фестивалда иштирок этишим ҳаётимдаги энг завқли ва ҳажонли лаҳзалардир.



## КЎҒИРЧОҚЛАР ФЕСТИВАЛИ

Сатира ва юмор руҳида яратилган жажжи кўғирчоқлар ҳаракатини қузатсак, халқ оғзаки ижодига мансуб эртаклар кўз олдимизга келади. Бу сюжетлар ана шу жажжи "актёрлар"нинг бетақдор ҳаракатлари туйғулари янада гўзаллашади.

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган кўғирчоқозлик фестивали миллий санъатимиз замонавий тус олиб, аъналар ва даврийлик уйғунлашиб бораётганини намойиш этди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика халқ ижодиёти маркази, "Тасвирий ойна", "Хунарманд" ижодий уюшмаси ҳамда "Олтин мерос" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда республикамизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган санъат усталари қатнашди. Саҳнада намойиш этилган миллий ўйинлар, спектакллар бадиий ифодаларининг бойлиги, рамзий тимсоллар, нозик қочиримлар асосида ижро этилгани учун ҳам кўпчилида қизиқиб уйғотди. Иштирокчилар ижоди асосида ташкил этилган кўғирчоқлар кўргазмаси фестивалга ўзга-ча шукҳ бағишлади. Тадбир давомида кўғирчоқ ясаб сир-асорларига оид маҳорат дарслари ўтказилгани айни муддао бўлди.

Фолиблар сертификат, диплом ва соғвалар билан тақдирланди.

Азиза АБДУЛЛАЕВА



Огост РЕНУАР, "Мадам Шоке".

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бугун Истиқлолнинг 20 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Бу йилларнинг ҳар бири ўзига хос бир давр бўлди, десак муболага қилмаган бўламиз. Уларни жамлаб, мухтасар таърифласак, Истиқлол йиллари аж- додлар армони, авлодлар орзу-умид- лари ушалган давр бўлди. Эндилда Навоий шаҳрида юксак- ликка бўй чўзган 12,5 метрли шоир ҳайкали, 126 гектарли унинг номида- ги боғ, улуг мутафаккирнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган ўрнатилган «Юлдуз- нинг туғилиши», «Успирилик», «Ёшлик» ва «Донишмандлик» деб ном- ланган ҳайкаллар туркуми бу маскан- га ташриф буюрган ҳар бир кишини аллома бобоқалимининг бадий ола- ми, у босиб ўтган умр йўлини та- саввур этишга ундайди. Табиийки, боғ- мажмуага келган ҳар бир ёшнинг юра- гига Фарҳоднинг жасорати, Қайснинг матонати, Баҳромнинг заковати, Ши- рин ва Лайлининг садоқати кўчади. Кенг қўламлиги ва кўркамлиги жи- хатидан мамлақати- миз шаҳарларидаги бундай маданий масканлар орасида Навоий боғи етакчи ўринда туради. Боғ ҳудудида барпо этилган 2400 ўрин- ли «Амфитеатр» ва унинг атрофи гўзал киёфа касб этиб ту- рибди. Тўққизта кўнгилочлар аттракци- он дам олувчиларнинг дилларини яй- ратмоқда. Айниқса, болалар учун се- вимли музқаймоқ, салқин ичимликлар ҳамда совғалар сотиладиган шохобча- лар доимо гавжум.

Боғнинг салобатли бағрини кезар- кансиз, қувончдан энтिकासиз: бири- би- рини тўлдириб борадиган қайрағоч, дуб, заранг, терак, қора арча, акация, чилон жийда, чинор сингари даракт- ларнинг фунускорлиги қалбнингизга алоҳида сурур бағишлайди. Маданият ва истироҳат боғига таш- риф буюрганлар нафақат дам олади- лар, балки бу масканда ўтказилаётган маданий-маърифий ва оммавий тад- бирларда катнашиб, маънавиятини бойтадилар.

«Амфитеатр» қаршидаги майдон- да 18-20 метр балангликка сув пур- кайдиган маҳобатли фаввора атрофи- дан одам аримайди. Ёрунлик тарқатув- чи камалак рангдаги фонарлар бил- лур тошчиларга минг хил жилва бағиш- лайди. Энг муҳими, бу фаввора мах- сус насос қурilmалари ёрдамида 300 тонна сувни қайта ишлаб, циркуляция асосида баланда йўналтиради. Бу жозибали ҳордиқ масканида учта улкан ёрунлик мосламалардаги 333 та тунгич фонарлар боғ саҳнини заррин нурга чўлгайди. Мутафаккир шоирнинг салобатли ҳайкалидан Халқлар дўстлиги шох қўчасининг жануб томо- нига қараб турнадай тизилган 24 та фаввора мавжуд бўлиб, улардан отил- ган биллур сув ёшнинг жазирама оф- тоби тафтини салқин оромбахш ша- бадага айлантиради. Улуг аллома ҳай- калининг фарб томонидаги 37 дона пуркагичли фаввора тун саҳнида юл- дузли осмон томон қанот қўқишга шай қушлардек туюлади. Яна бир фаройиб фаввора «Амфи- театр» биносининг қунботар тарафи- да ўрнатилган. Учта «чейзер» фавво- расидан 30 метр балангликка сув оти-

лиши катта байрам томошалари қат- нашчиларига олам-олам завқ бағиш- лаётир. Бундай жозибали фавворалар- дан яна саккизтаси Истиқлол байра- ми тантаналари кунигача ишга туши-рилиши мўлжалланган. Дарҳақиқат, улугвор тантаналар, шодиёна томоша- лар айна шу масканда нишонлаб ке- линади. Ушанда унинг кенг бағри то- мошабинларга тўлиб кетади. Хўш, бун- дай бунёдкорликни қимлар амалга оширмоқда, дерсиз. Биз, мисол тари- қасида, улардан биттаси ҳақида тўхта- либ ўтмоқчимиз.

Тошда гул ундираётганлар

Навоийнинг гуллар ва фавворалар- га бурканган сокин бағрини кезар экансиз, зуқко ва танти, шижоатли инсонлар билан танишиб, қалбнингиз алангаланаяди. Улар бунёдкор, ижодкор ва ҳар бири ўз соҳасининг кашфиёт- чиси, десак муболага бўлмас. Шундайлардан бири Дилбар Саи- дова. Бу тиниб-тинчимас аёл 32 йил- дирки, марварид шаҳарнинг ободони-

зорларга ҳар йили 350-400 тонна ма- халлий ўғит тўқилапти. Ёзининг чилла- сида эса кимёвий воситалардан фой- даланиб келинаётир. Кўндуз кунлари қувурлардаги сугоришга мўлжалланган сувдан фойдаланиб бўлмайди, чунки иссиқ сув гулларни қовжиратиб қўяди. Биз кўп йиллик тажрибаларимизга та- яниб, жўмрақларни оқшомлари очиб қўямиз.

Корхонадаги 78 сотихли иссиқхо- нада ҳар йили 50-60 минг туп манза- рали кўчат ўстирилиб, бу ниҳоллар Навоий шаҳри хиёбонларида ўткази- лади. Айниқса, қарағай, туя, каштан, дуб, сафҳора, ясен ҳамда игна бар- гли ўн саккиз хил кўчатлар иссиқхо- нада уч йил ўстирилиб, сўнг белгиланган схема асоси- да энг оройишли жойларга кўчирилади. Иссиқхонада элита навли атиргул, хризантема каби гуллар энг улуг байрамларга атаб ўсти-рилиб келинади. Шаҳар хиёбонлари- даги геран, кани, петунья, сальвия, шафран, алессу, хасмия, гултожхўроз, дельфин каби юзлаб муаттар ҳидли

маркази қошоноси... кўплаб уй-жой- лар, маданий-маиший, савдо ва бошқа кўнгилочлар масканларнинг ишга туши-рилиши кутилаётир.

Навоий шаҳри саноати кейинги уч йилда тубдан ўзгариб кетди. Айниқса, шаҳарнинг барқарор иқтисодий ўсиши- ни таъминлаш, стратегик тармоқлар- ни модернизациялаш, техник ва тех- нологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чи- қаришни маҳаллийлаштириш ва исте- мол товарларни ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошишига эри- шилди. Шаҳар иқтисодиётида эриши- лаётган таркибий ўзгаришларда бево- сита чет эл инвестициясини жалб этиш

Ватан билан, юрт билан боғланса ҳар қандай тушунча қудрат, теранлик, юкса- лиш касб этади. Бу ҳақиқатга кўп бор амин бўлганман.

Хизмат сафарига чиққаннимизда қўл ҳудудида жойлашган хонадонлардан би- рига тўхтаб ўтдик.

— Сув муаммоси яқинда ҳал бўлади. Ҳозирча сув талаб қиладиган экинлари экмай турибмиз. Фақат ўзбек хонадони атиргулу райхонсиз ўзига ўхшамайди. Шунинг учун бир жуфт атиргул парвариш- лаяпмиз. Қўлингизни гул устига юва қўлиб меҳмон, ҳарна сув ингани...

Уй бекаси хийл майдароқ гунчалари очилай-очилай деб турган атиргулни менга кўпдан кутулган чачалоқни кўза- кўзлагандай кўрсатди. Уша мунис гуллари ҳаёли кун бўйи кўнглимга ўз ифори- ни сочиб, юрган йўлларим атиргулларга тўлиб кетган- дек бўлди.

Ха, ўзбек номи билан боғланса, бир жуфт гул ҳам бустон шодлигини берад экан. Эҳтимол ҳамма ҳам Ватан, юрт би- лан боғлиқ қалбидан кечаётган ҳарорат- ли туйғунни тушунтириб бера олмас, ле- кин айнан шу ҳиссиёт инсонни жамият- да ҳам, оилада ҳам устун каби ушлаб ту- ради. Унга мақсад, ҳарорат, интилиш бе- ради.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Андижоннинг Олтинқул туманидаги «Олтинқул — во-

ларида қувелик либосида, «ёр-ёр»лар бағрида кўриб, қувончдан қўзи ёшлан- ган, энди эса айрилиқдан жигари ти- лилиб, бағри ситилган онага қандай та- салли берамиз? Фотиҳага келиб-ке- тувчилар учун қўйилган хонтахта атро- фида бир сиқим бўлиб ўтирар эканмиз, ҳар биримизнинг қалбимиздан шундай ўйлар кечарди. Шу тобда ёшларлар шо- дасидан букилиб турган мажнунтол шохларига ўқшардик. Битта шарпа те- гса, тўқилиб кетадиган ҳолда эдик гўё...

Мотам либосидаги аёл (раҳматли йигитнинг онаси) кириб келди, дуоа фотиҳа, тиловатдан сўнг деди:

— Ҳаёт-да, одам ўз боласидан доим яшилди кутса-да, баъзилар ота-онасига исноқ келтиради. Гийҳванд бўлиб жони жабр кўради. Ичиб, машина остида қола- ди, қимор ўйнаб, пилочкашиб, ёшини яшолмай қолади. Лекин менинг ўғлим тинчликни, осойишталикни, элу юртни асраб қолиш учун ҳалок бўлди. Инсоннинг бу дунёси ҳам оқиб бўлсин экан...

Мотамсара аёлининг овози тетик эди, кўксимизда ербағирлаб ётган ҳиссиёт- лар тик тургандай бўлди. Ойназорча сўз айтмадик. Хайрлашаётим, бир-бир бағ- римизга босдик. Ким-кимдан қол кўчи...

— Ха, Ватан билан боғланса, юрт билан боғланса таскинлар ҳам қучли бўларкан, — деди қайтишда орамизда- ги ёши улуг оlima. Бир одам тақдир тақозоси билан

Ватан учун яшайлик!

Ўз самарасини бермоқда. 2010 йил 12 августда «Навоий» халқаро аэропорти- да янги юк терминали эксплуатация- га топширилган эди. Унинг очилиши — «Korean Air» авиакомпаниясининг фаол иштирокидаги «Навоий шаҳри аэропорти негизига халқаро интермодал логистика маркази- ни ташкил этиш» инвестицион лойи- ҳасини амалга тад- биқ этишнинг навба- тдаги босқичи бўлди.

Ривожланган ин- фратузилмага эга терминал логистик жараёндаги транспорт-экспедиторлик билан сифа- тида юкларни қабул қилиш, уларни вақтинчалик сақлаш ҳамда турли хил транспорт орқали жўнатиш бўйича транспорт хизматларининг тўлиқ спек- трини қоплаш имконига эга. «Навоий» аэропортидаги ва янги юк терминали бир суткада 300 тонна юкни (бир йилда юз минг тонна) қайта иш- лаш имконига эга бўлиб, у Қоҗа Рес- публикасининг Kyung Mecheiner Co. Ltd. компанияси томонидан жиҳозланди. Янги терминал юк ортиш-тушириш учун олти иши станция, 20 ва 50 тонна- ли тарози, совутич, музлатгич ҳамда иситиш камералари, хавфли юклар, тез бузиладиган махсулотлар, жониворлар- ни сақлаш ҳудудларидан иборатдир. Маъмурий корпусда барча зарур хиз- матлар (божхона, санитария назорати, декларантлар, юк ташувлари бўйича агентлар ва бошқалар) жойлашади.

Навоий шаҳрининг тонг палласида- ги ҳусни тароватини бир кўрсангиз. Салобатли биноларнинг шуқуни, гулу гулзорларнинг муаттар атри — бари- си офтобнинг шаффоф нурида эрта- намо бўлиб жиҳозланади. Сўбҳидамнинг оройишли бағрига чўлганган гўзал шаҳар гўё адл қоматли келинчақдек ороланган туради. Зеро, Навоийнинг файзли тонги руҳингизга рўшнолик туффа этади. Бундай мунаввар тонглар шаҳри Навоийнинг бугунги мукаррам кунлари-ю, эртанги порлоқ келажаги бўлади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Аҳмад ОТАБОВЕВ, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси муҳбири

НАВОИЙ ОРЗУСИДАН ЗИЁДА ШАҲАР



Навоий боғидаги «Амфитеатр».

лигига бош-қош. Шаҳар оройиши, таро- вати, муаттарлиги учун масъул. У дарахт нодаларидаги ҳар бир япроқ- ни, гулу гулзорлардаги ошuftаликни асраб-авайлаш учун 75 нафар гулчи аёл билан ҳамфикр иш олиб боради.

Авжи саратонда, қумда туҳум пиша- диган палла чўлдан эсган гармисел ша- ҳар бағридаги боғу гулзорларга ёпи- рилади. Гармселли, чанг-тўзонли кум эса муаттар буюқларнинг рангигача ўзгартириб юборишга қодир. Тупроқ таркибидagi, олтимиз сантиметр чуқур- ликдаги ер қатида гипсли қопламаларнинг мавжудлиги қўламзорлашти- ришда мураккабликларни келтириб чиқаради.

— Тупроқда тош-шағалнинг кўпли- ги-ю, гумис микдорининг жуда ҳам пастлигига қарамай, ободонлаштириш бўйича эртанамо ишлар амалга оши- рилмоқда, — дейди Дилбар Саидова. — Бунинг учун қишда ва кўкямда туп- роқ таркибини кучайтириш учун гул-

гулзорлар киши дилини яйратади. Шаҳарнинг Халқлар дўстлиги, Ғалаба, Таробий, Амир Темур, Алишер Наво- ий, Низомий кўчаларини кезганингиз- да адоксиз гулу гулзорлар бағрида юр- гандек ҳис этасиз ўзингизни.

Сахро бағридаги шаҳарда бундай табиий шарт-шароитни барпо этиш- нинг ўзи мўъжиза эмасми?! Айни пайтда шаҳарда 580 минг туп мевали ва манзарали дарахт парвариси эти- лаяпти. Бу ишлар гўша табиятининг мўътадиллигини таъминлаш билан бирга, шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда.

Бардавон бунёдкорлик

Навоий шаҳридаги бунёдкорлик иш- лари замонавий ва миллий лойиҳалар бўйича амалга ошириляётир. Ун минг ўринли Марказий стадион, ёпик тур- да сузмиш ҳавасиз, Олий спорт макта- би биносининг қурилиши, «Ёшлар

ўзича давом этаётир. Шевада ёки фақат муайян бир та- лаффузда бадийи асарни ифода этиш бир қарашда балки гализроқ кўринар, аммо ёзувчининг тасаввур этиши йўли, йўлаш, мушоҳа- да услуби айнан шуни, яъни табииликни тақозо этса ва уни худди ўзи онгида пи- чирлаётгандек қоғозга ту- ширса, бу ҳол асар матнга янада чинлик, жозоба ва му- хими ҳаётийлик бахш эти- ши шубҳасиздир. Зеро, мурда ҳам шу: ўзи ишон- ган, эътиқод қўйган кўнгил тутумларига содиқ бўлиб ижод қилмоқдир. «Эна ша- мол» ёзувчи бунга эриша олган, дейиш мумкин.

Ўқувчи ҳукмига ҳавола этилган ушбу китоб беш минг нусхада чоп этилди. Мухаррир Д.Исмоилова.



«Эна шамол» китоби.

«ЭНА ШАМОЛ»

«Ўзбекистон» нашриётида истеъ- додли ёзувчи Баҳодир Қобулнинг қиссалар ва ҳикоялардан таркиб топ- ган «Эна шамол» номли китоби чоп этилди. Китобга Ўзбекистон Қаҳра- мони, халқ шоири Абдулла Орипов сўзбоши ёзиб, жумла- дан, ушбу тўпلام ва унинг муаллифи ҳақида шундай дейди: «Ёзувчи-

миз қадим ва муштипар, танти ва ҳалол элимизга меҳру садоқатини асло яшириб ўтирмайди. Бетақдор табиятимизни эса ажиб бир мусав- вий янглиг чишига ҳаракат қилади. Баҳодир Қобулнинг кишлоқларимиз ҳаётини, табиятини ниҳоятда синч- ковлик билан кўзатишдан мамнун бўлдим. Айниқса, йирок-йирокларда умргузаронлик қиляётган юртдошларимиз тили, ибораларини ажиб бир самимият, жозоба ва соддалик би-

лан асарга олиб кириш ҳар қандай ижодкорга насиб қилавермайди». Китобнинг илк саҳифаларидан жой олган «Икор» сарлаҳали қиссача, «Эна шамол» қиссасига кириш сўзда ижодкорнинг ўзига хос икро- ри шу сўзлар билан тугайди: «Ёлгон гапирган билан ўғир- лик қилганин отам ҳам ке- чирмайди...»

Жони бор элнинг жонли тилида ёзаман. Буни ўзим йўлаб топганман». Асарларнинг ҳар бирида бу «икор»га дуч келасиз ва чиндан ҳам тилимизнинг ўзига хос, кашф этилмаган имконларидан завқ ола- сиз. Бу ҳикоя ва қиссалар- даги одамлар, турмуш тарзлари олисда, ўзга сайёрада эмас, балки айнан шу Баҳодир Қобул асарлари- дек ўзимиз, кўзимиз ва кўнглимиз сарҳадларидаги бор ҳаётда ўз-

«ЭНА ШАМОЛ»

«Ўзбекистон» нашриётида истеъ- додли ёзувчи Баҳодир Қобулнинг қиссалар ва ҳикоялардан таркиб топ- ган «Эна шамол» номли китоби чоп этилди. Китобга Ўзбекистон Қаҳра- мони, халқ шоири Абдулла Орипов сўзбоши ёзиб, жумла- дан, ушбу тўпلام ва унинг муаллифи ҳақида шундай дейди: «Ёзувчи-

миз қадим ва муштипар, танти ва ҳалол элимизга меҳру садоқатини асло яшириб ўтирмайди. Бетақдор табиятимизни эса ажиб бир мусав- вий янглиг чишига ҳаракат қилади. Баҳодир Қобулнинг кишлоқларимиз ҳаётини, табиятини ниҳоятда синч- ковлик билан кўзатишдан мамнун бўлдим. Айниқса, йирок-йирокларда умргузаронлик қиляётган юртдошларимиз тили, ибораларини ажиб бир самимият, жозоба ва соддалик би-

лан асарга олиб кириш ҳар қандай ижодкорга насиб қилавермайди». Китобнинг илк саҳифаларидан жой олган «Икор» сарлаҳали қиссача, «Эна шамол» қиссасига кириш сўзда ижодкорнинг ўзига хос икро- ри шу сўзлар билан тугайди: «Ёлгон гапирган билан ўғир- лик қилганин отам ҳам ке- чирмайди...»

Жони бор элнинг жонли тилида ёзаман. Буни ўзим йўлаб топганман». Асарларнинг ҳар бирида бу «икор»га дуч келасиз ва чиндан ҳам тилимизнинг ўзига хос, кашф этилмаган имконларидан завқ ола- сиз. Бу ҳикоя ва қиссалар- даги одамлар, турмуш тарзлари олисда, ўзга сайёрада эмас, балки айнан шу Баҳодир Қобул асарлари- дек ўзимиз, кўзимиз ва кўнглимиз сарҳадларидаги бор ҳаётда ўз-

«Шарқ юлдузи»

2011 йил, 3-сон

Журналнинг янги сони бош муҳаррир Улугбек Ҳамдам- нинг «Инсон билан юксалар Ватан» сарлаҳали кириш мақоласи билан очилади. Наср ихлосмандлари Фулом Каримийнинг «Наршах калъаси» романини, Асад Асилнинг «Олишув», Ҳамиджон Ҳомидийнинг «Ҳикоят ва на- қлиёт», Жамила Эргашеванинг «Бойбича», араб ёзувчиси Нажиб Махфузининг «Афсунгарлар то- вогимни ўғирлади» (араб тилидан Бобир Ғиёсов таржимаси) номли ҳикояларини ўқийдилар. Шериятга бағишланган саҳифалардан Эркин Воҳидов, Саъдулла Ҳаким, Аҳмад Ҳўжа, Ахтаму- ли, Даврон Ражабининг янги туркум шеърлари ва Самандар Воҳидовнинг «Видо достони»дан боб- лар жой олган. «Ғазалхонлик» рукнида Исмоил Мухмуд Марғилонийнинг ғазаллари билан тани- шишингиз мумкин. Умида Абдуазимованинг кич- кинтойларга бағишланган ёзилган бир қанча шеър- лари ҳам ушбу сондан берилган. «Унутмас мени боғим» рукнида халқ шоири Рауф Парфи ижо- дидан намуналар туҳфа этилган. Шунингдек, Эргаш Ончиловнинг «Ҳайрат олами» мақола- си Алишер Навоий ижодига бағишланган бўлса, Нодир Фаф- форовнинг «Баркамол авлод — жамият таянчи» мақоласида

Журналларни варақлаганга

бугунги ёшларга берилётган эътибор, кўрсатилётган ғам- хўрлик тўғрисида сўз юритилди. «Шарқ юлдузи» журна- ли «Роман: кеча, бугун, эрта» рукни остида мазкур жанр ҳақида баҳс бошлаган эди. Ушбу баҳсни мазкур сонда Умарали Норматов «Бадият кўзгусида миллат тақ- дири» ҳамда Муҳаммаджон Ҳолбеков «Етақчи жан- рининг тадрижий тамойиллари» мақолалари билан давом эттиришган. Шунингдек, журналнинг адаби- ётшунослик мавзусидаги материаллари орасида Абдуғафур Расуловнинг «Толерантлик ва руҳий по- кланши», Шўхрат Ризаевнинг «Яхши, «ёмон» одам ёхуд янгилаган реализм», Абдулла Улуғовнинг «Ғадор ёхуд туҳматномалари ким битган?», Са- нонобар Тўлағанованинг «Рамзларга яширинган маъ- ни», Дилмурод Қабдровнинг «Қисса сюжетлида ус- луб жилогари» каби мақолалари ўқувчиларда кат- та кизиқиш уйғотиши тайин. «Меросимизни ўрганамиз» рукни остида Қуд- ратулла Омоновнинг «Илк ва ўрта асрлар туркий тилдаги расмий васиқалар» тадқиқоти эълон қилинган. Восит Аҳмадининг ҳажвийлари ҳам журналнинг ушбу сони мундарижасини бойитган.

ЎЗБЕК ШЕРИЯТИ КОРЕЙС ТИЛИДА

Ҳамид Олим- жон, Мирте- мир, Абдулла Орипов, Эр- кин Воҳидов ва бошқа ўзбек шоирларининг, жами ўттиз беш нафар ижодкорнинг шеърлари- дан намуналар аслият ва корейс ти- лидаги таржимада ёнма-ён берил- ган. Бутун дунёда Ўзбекистон мада- нияти ва санъатида катта кизиқиш уйғонган бир пайтда жанубий корейлик китобхонлар ўзбек шоир- ларининг асарларидан намуналарни ўз она ти- лида ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Китоб масъул муҳар- рири Тошкент давлат шарқшунослик институти ва институтида фаолият кўрсатаётган жанубий корейлик тар- жимонлар томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкор- ликда тайёрланди. Мажмуада Чўлпон, Гафур Гулом, Ойбек, Уй- гун, Мақсуд Шайхзода,



XX аср ўзбек шеърлятидан намуналар китоби.

Кейинги пайтларда «Ватан» демасдан ҳам юртни севиш мумкин, ҳадеб айти- лаверса, охори тўқилди, деган мазмун- даги гаплар пайдо бўлди. Ватан либоз эмас, кийса охори тўқилди. У дунё ичидаги дунёми. Товушларидан виқор, муҳаббат, ҳарорат бор. Нега «Мен нечун севаман, Ўзбекистонини», дея шёр ўқисак, «Ўзбекистон — Ватаним меним», «Ўзбегим» деб қўйласак, ўзимизни од- дий Мунаввара ё Муниса эмас, бюклик- нинг бир қисмидай тасаввур этамиз?! Уша сўз салобатидан, уша сўз меҳри, сеҳридан эмасми бу улканлик! Ватан, деб айтаймиз, Ватан деб қўйлаймиз, Ватан деб яшаймиз, Ва шу тўғриларча ичра улғаямиз, юксаламиз.

# КУЮНМАЙ БЎЛАДИМИ?

Хурматли тахририят!  
Хатимнинг аввалида суюнганимнинг сабабини айтмай.  
Газетангизнинг шу йилги 4-феврал сониде адабиётшунос олим Ваҳоб Раҳмоновнинг "Эмас осон бу майдон ичра турмоқ..." мақолида улуг шоиримиз Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" китобининг тўртта девони йирик бичимларда, ўн минг нусхада чоп этилгани, бу нашрнинг сифати ва савияси ҳақида яхши, асосли фикр-мулоҳазаларни ўқиб қувондим. Яқинда, газетанинг 10-июн сониде мутафаккир шоиримизнинг ўн жилдлик тўла асарлар тўплами Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа уйи томонидан чоп этилаётгани хабар қилинди. Қувончимга қувонч қўшилди. Бундай кўркям нашрлар, албатта, Истиклолимиз шарофати туйғили, деб ўйлайман. Замонлар синовидан ўтиб, кўлдан тушмай келаётган адабий меросимизга бундай муносабат биз китобхонларга олам-жаҳон севинч бағишлайди.

## Тахририятга хат

Энди куюнаётганими боисини айтсам. Ижод эркинлиги қўлғилида ёзишга иштиёқи бор одамларга кенг имкониятлар яратди. Боз устига, олами-қўлми пули бор қаламкаш учун китоб чикариш қийин бўлмай қолди. Бир йилда

бир-икки, ҳатто уч-тўртта китобни дўндириб ташлаётган азаматлар ҳар бир вилотда топилади, десам ишонверинг. Яқинда ана шундай ижодкорлардан бирининг уч жилдлик "Танланган асарлар"и нашр этилибди. Олиб varaқлаб кўрдим, мактабда ёзган иншоиси-ю армиядан ёзган хатларини айтмаганда, бошқа нимаики қоралаган бўлса ҳаммасини "Танланган асарлар"ига жойлаган...

Билмокчийдим, ўзи бу "Танланган асарлар", "Сайланма"ларнинг бир тартиби, мезони борми? Бундай нашрлар қандай тайёрланади? Қадимда мумтоз адабиётимиз вақиллари бундай мажмуаларга қандай қарашган?... Шу ҳақда мутахассисларнинг фикрини билсам, деган эдим.

Салом билан Р.АЗАМАТОВ

Самарқанд.



**ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЛИМИДАН:**  
Газетхон Р.Азаматовнинг хатида баён қилинган масала юзасидан адабиётшунос олимлар ва айрим нашриётлар мутасаддиларига мурожаат қилдик. Куйида улардан баъзиларининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Башариёт тарихида барча даврлар, жамятлар, динлар ва маданиятларга бирдек тааллуқли ҳақиқатлар бўлмагандек, сўз санъатида "Сайланмалар", "Танланган" ҳамда "Мукамал асарлар" мажмуиға тартиб беришда ягона мезонлар тизimini учратиш қийин. Сабоби, камбей истеъдодлар қанчалик бетакрор бўлса, уларнинг жаҳон бадиияти тарихини безаб келаётган ноёб асарлари ҳам бир-бирини такрорламайдиган, қайталанмайдиган ҳодисалардир ("Олтин ёруқ", "Уянамо", "Қутадғу билим", "Хиббат ул-ҳақоик", "Хайрат ул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Саббаи сайёр", "Сади Исқандарий", "Лисон ут-тайр", "Илохий комедия", "Отелло", "Хамлет", "Қирол Лир", "Фауст", "Кеча ва кундуз", "Ўткан кунлар" сингари). Зеро, жаҳон халқлари маънавиятини юксалтиришга қаратилган динлар, маданиятлар, бадиий қадриятлар умумбашарий ҳақиқатларнинг зоҳир бўлиш шакллари, кўринишларидир.

"асар"ларни муқовалаш билан овора. Яна китобларнинг бадиий, илмий савиясига нашриёт жавобгар эмас, деб қайд этиб ҳам қўйишди. Қизиқ, галати ҳолат. Така бўйсаям сут берсин, қабилида пул кетидан қувишдек рақобат ўнлаб нашриётлар аъмолига айлиб қолди. Китобларнинг бадиий-эстетик савиясини ноширлар ўз зиммасидан соқит қилса, адабий танқидчилик кўникиб қолгандек ломимим деб оғиз очмаса, миллатнинг бадиий диди, жамятининг эстетик савияси учун ким жон қойилади?! Келажак олдиде ким жавоб беради?!

Бу ҳол бамисоли масжид сўфилари тахлит овози маҳалласидан ташқари чиқмайдиган маҳаллий "классик"ларнинг урчишига, болашига олиб келмаяптими?! Ачинарлиси, босмаҳона бўёгининг ҳиди кетмасдан, остона хатлаб кўчага қимасдан, ўқувчи кўлига этиб бормасдан бурун бадиий саёз, тутантириги йўқ бу хил китоблар, "сайланма"ю "танланма"лар эскириб қолмоқда. Бу ҳол санъатнинг

# БОШ МЕЗОН — БАДИИЯТ

Биргина мисол. Буюк рус адаби Лев Толстой саксон икки йил умргуздорлик қилди. Юз йиллик юбилейига бағишланган тўқсон жилдлик мукамал асарлари 1928—1958 йиллар мобайнида нашр этилди. Унда Лев Толстой қаламига мансуб илк битигилардан тортиб жаҳон халқлари кўнглини забт этган ҳикоялари, повестлари, романлари, адабий-танқидий, публицистик мақолалари, қайдилари, сўхбатлари, адабий ўйлари, ёзишмалари, мактублари — барча-барчаси қамраб олинган. Ўзбек адабиётида Ҳамза Ҳақимзода Нибзийнинг беш жилдлик, Ойбекнинг йигирма жилдлик мукамал асарлари мажмуи чоп этилган. Уларда сўз санъаткорларининг адабий мероси тўлалигича жамланган. Хусусан, илк шеърларидан бошлаб драмалари ва романларига, адабий лавҳаларидан сўхбат, мақола, қайдиларига бир неча вариантлари билан берилган. Улар Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ХХ аср адабиёти бўлими ходимларининг кўп йиллик серзахмат текстологик тадқиқотлари самарасидир. Ойбек ҳаётлик чоғида 50 йилги муносабати билан ўзи тартиб берган тўрт жилдлик шеър, поэма, романларининг қаймоғи киритилган эди.

Энди, кейинги йилларда адабий ҳаётимизда тўрт-бешта китоби чикар-чиқмас икки-уч жилдлик сайланмаларни дўндириш буюк бўлиб бораётгани хусусида. Китоб ёзиш, нашр этиш, сотишдек барча жараёнлар муаллиф зиммасида. Хусусий, масъулияти чекланган нашриётлар елкасининг чуқури ҳам офтоб қўрадиган бўлиб қолди. Пул бўлса чангалда шўрва, дегандек хўлу қуруқ машқлардан, қораламалардан иборат тараққиёти, бадииятининг тақомили, маънавиятининг қамолоти хусусида фикрлашга ундайди. Бойқийликда дахлдор бадиий қадриятлар, зақоси, юлдузи ёруқ китоблар салохияти ўйга толдиради. Тоғлар емирилади, чўққилар нурайди, юлдузлар сўнади. Ва лекин, боқий китоблар асрлар оша ёғду таратиб, инсониятнинг маънавий-ақлий, ахлоқий қамолотиға хизмат қилиб келмоқда. Боиси, назаримда, ҳаётнинг азалии ва абадий масалалари (садоқат ва хиёнат, дўстлик ва макр-риё, тириклик ва ўлим, онийлик ва боқийлик, кун ва тун ва ҳоказо) хусусида жавоб излаш, бадиий образлар табииятиға сингдирилган ҳолда ижтимоий-фалсафий, маърифий-эстетик, ахлоқий йўсинда жавоб топиш санъатида умумлашма-хулосалар чикариш маданиятида юксак бадиият белгилари айёналади. Ота-боболар изидан шунчаки юрма, балки улар излаган нарсани сен ҳам изла, деган ҳикматнинг маъноси шунда бўлса керак. Зеро, ҳар бир давр, кишилик жамяти янги-янги масалаларни кўндаланг қўрқан, сўз санъаткори уларнинг бадиий-фалсафий ечимларини топишға бурчи, масъул. Санъат асарларининг бетакрорлиги, қайталанмаслиги сирин ҳам шунда.

Адабиётнинг руҳониятлари поклашдек, маънавий-интеллектуал қамолотта етаклашдек эзгу салохиятини, бекйёс кучи ва бетимсол қудратини "хою читти-гул", дегандек аргамчи учиниға — эртатка алмаштирмаслик керак.

**Нўмон РАҲИМЖОНОВ,**  
филология фанлари доктори,  
профессор

# "ЖАҲОН АДАБИЁТИ" 2011 йил, май ва июн сонлари

Шу кунларда "Жаҳон адабиёти"нинг бирйўла икки сони муштарийлар қўлиға етиб борди. Уларнинг қисқача мазмун-мундарижаси билан танишинг.  
Май сониде Жеймс Жойсинг "Уллис сарғушларини" асарининг Иброҳим Гафуров таржимасидаги якуний қисми эълон қилинган. "Онғ оқими"нинг мумтоз намунаси, дея таърифланган, асар қаҳрамонларидан бири Мэримоннинг "ички монологи" (18-воҳе) билан танишасиз. "Қитмир қалам" соҳибий машҳур чех адиби Ярослав Гашекнинг ҳикоялари Михаил Сафаров таржимасида берилган. Маҳмад Муҳаммад ал-Файсалнинг "Тавба ва Сулайё" романи давомини ҳам ушбу сонда ўқийсиз.  
Жаҳон шеърини намуналаридан бу гал хитойлик атоқли шоир Ма Чжиюаннинг "Қишлоқ қундузлари сокин ва узун" сарлавҳаси остида бир туркум шеърларини Турсун Али таржима қилиб тақдим этган. Ўзбек китобхонлириға ижоди таниш машҳур турк шоири Фозил Хусни Доғларжа ижодий меросидан намуналарини Миразиз Аззам таржима қилган.  
Журнал мундарижасини бойитган табиат ва инсон, санъат, маданият мавзуларидаги асарлар орасида рус адиби Михаил Пришвиннинг "Зумрад томчилар" асдаликлари (Ой-

гул Суяндикова таржимаси), Шухрат Ризаевнинг "Миллий кино: тараққиёт тамоиллари ва муаммолар", Лидия Караулованинг "Икки Константин" (Мирпўлат Мирзо таржимаси) мақолалари бор. "Нобель маърузалари" туркумидан бу гал Херта Мюллернинг "Румолчангиз ёнингиздами?" сарлавҳали маърузасини (немисчадан Шавкат Каримов таржимаси) ўқийсиз. Атоқли рус олими Юрий Боревнинг "Экзистенциализм: абсурд дунёсида ёлғиз инсон" (рус тилидан Д.Этамбердиева ва Ш.Назарова таржималари), Леонид Велеховнинг "Қусонинг гапирувчи тошлари" асарлари ҳамда детектив адабиёт ишқибозларига тақдим этилган америкалик фантаст ёзувчи Чад Олвернинг "Юлдуз шўласи" асари (таржимонлар А.Саъдулла ва А.Шер) қизиқиб билан ўқилади. Азиз Саид тайёрлаган "Китоблар дунёси"га оид хабарлар ҳам муҳлислар эътиборини тортиши тайин.

"Жаҳон адабиёти"нинг июн ойи сони мундарижасидан ўрин олган асарлар орасида машҳур япон адиби Кобо Абэнинг "Худди одамдек" номли романи (рус тилидан Эркин Эрназаров

ўтгандан сўнг ишлаб чикариш, яъни сайланман китоб шаклида чоп этиш жараёни бошланади.

Мустақиллик йилларида дастлабки «Сайланма»ларимиз 1995—1996 йилларда бошланган. А.Орипов, Э.Воҳидов, У.Азим,

# Журналларни varaқлаганва

таржимаси) ҳамда Лидия Авилонанинг "Бир умрлик муҳаббат" кассисини (Шоҳсанам таржимаси) алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунингдек, ушбу сонда италиялик машҳур адиб Дино Буццатининг ҳикоялари (Илҳом Ҳафизов ва Назира Жўраева таржималари) ҳам эълон қилинган.

XX аср Озарбайжон шеърини намуналарини Аҳмад Жавод, Али Назмий, Муҳаммад Ҳодий, Халил Ризо, Қосим Қосимзода ижодларидан намуналарини озарбайжон тилидан Тоҳир Қаҳқор таржима қилган. Оташқаб арман шоири Егисе Чаренц ижодидан устоз шоирлар Максуд Шафқозода ва Султон Акбарий қўлган таржималар ҳам журналнинг ушбу сониде босилган.

Машҳур рус файласуфи Николай Бердяевнинг "Муҳаббат меҳвари" асари (Абдуҳамид Пардаев таржимаси), Савелий Кашинскийнинг "Поймол бўлган муҳаббат" мақоласи (таржимон М.Мирзо), Лев Толстойнинг хатлар, кундаликларида Ортиқбой Абдулаев қилган таржималар ҳамда Чад Олвернинг "Юлдуз шўласи" фантастик асари давоми журнал мундарижасини бойитган, мавзулар ранг-баранглигини таъминлаган.

# ХАСТАЛИК ВА МАЎҲАМ

Қадимги шарқ қўлёмаларида "жилд" ва "сайланган", "танланган" (яъни мунтахаб ёки интиҳоб) кўринишида атамалар учрайди. Бироқ улар бугунгиларидан фарқ қилади. Жилд ибораси кўп ҳолларда йирик асарларнинг бир неча таркибий қисмлардан ташкил топганини ифодалаш учун "жилди аввал", "жилди дуввум"... шаклида ишлатилган. Айна дамада "биринчи дафтар", "иккинчи дафтар"... атамалари ҳам худди шундай вазифани бажарган. "Ал-Ҳидоийа" (Бурҳониддин Марғиноний), "Маснавийот" (Жалолиддин Румий) каби муаллифларнинг асарларида худди шундай манзарани кузатамиз. Шарқда кўп жилдлик асосан жуғрофия, луғат ёки тилшуносликка оид йирик асарларга хосдир. "Китаб ал-ансоб" (Абдукарим ас-Самъоний, XII аср), "Муъжам ал-удабо", "Муъжам ал-булдон" (Ёқут Ҳамавий, XIII аср) каби асарларда бу аниқ қўзга ташланади. Кўп жилдлик китоблар одағда битта асардан иборат бўлган. Кейинги жилдлар олдигиларини тўлдириб бораверган. Агар битта мавзуга тегишли бўлмаса, жилдлар орасиға муаллифнинг бошқа асарлари қўйилган. Бошқаларидан янги жилдлар ҳосил бўлган. Кўп жилдлик китоблар муаллиф ва саҳноф ёки китобатчи ҳамкорлигида дунёға келган. Баъзан бу жараёнда муаллиф иштирок этмаган. Умуман, ўтмишдаги аллома аҳлоқдорларининг бирортасида бизнинг ҳозирги тушунчамиздаги "кўп жилдлик асарлар яратиш" гоёсини учратмайсиз. Улар ҳаммаша бирор соҳа ёки мавзунини мукамал ёритишни мақсад қилишган ва уларнинг кўп жилдлари шу тариқа пайдо бўлган.

Шарқ мумтоз адабиётида "қуллиёт" атамаси ҳам мавжуддир. Таркибий тузилишиға кўра у бизнинг давримиздаги "жилд" тушунчасиға бир оз яқинлашади. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёмалар хазинасида Хоқоний (№9079), Саъдий Шерозий (№4448), Хусрав Деҳқанди (№9661), Абдуҳақим Жомий (№2122), Мирзо Абдулқодир Бедил (№7470) каби қўғина шоирларнинг қуллиётлари сақланган. Қўғина қуллиёт шоирнинг бир неча девонидан таркиб топган бўлади. Қуллиётларнинг муаллиф вафотидан кейин ёки ижодкор тириклиги чоғида тузилганлари ҳам учрайди. Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" асари ҳазратнинг ҳаётлигидаёқ шакланган эди. Ушбу асар шоирнинг "Ғароиб ус-сиғар" (№7463), "Наводир уш-шабоб" (№9847), "Бадойиё ул-вансан" (№3458) ва "Фавоийд ул-қибар" (№646) номли тўртта девонидан таркиб топган. Унинг "Хазойин ул-маоний интиҳоби" деб номланган "танланган" (сайланма) нусхаси ҳам мавжуддир. Қўлёмалар хазинасида ушбу сайланманнинг турли даврларда кўчирилган икки юзга яқин нусхаси сақланган. Мазкур сайланма Навоийнинг дўстлари учун махсус тузилган. Сатрларини шоирнинг ўзи танлаган. Машҳур хаттот Султон Али Машҳадий бу "сайланма"дан кўчирган нусхалар ҳам (790, 3984) қўлёмалар хазинасида сақланган. Ҳазрат Навоий асарлари асрлар давомида елкаб келаётган юк салмоғини битта биз ўзбеклар эмас, дунёда ҳамма эди яхши билди.

Қўлёмалар каталогидан жой олган қуллиётларнинг кўпчилиги муаллиф вафотидан кейин кўчирилган ё тузилган. Аввало, қуллиёт таркибининг ҳосил қилган "девон"ларини тузишнинг ўзи машаққат эди. "Девон" бармоқ вази билан ишлаш эмас. Унинг орқасида шеърининг оғир ва мукамал илми турибди. Адиб уларни билмаса, девон тузолмасди. Девон яқунлангач, ижодкор уни адабий давраға тақдим қиларди ва очик ҳамда шафқатсиз синонадан ўтказарди. Қуллиёт шундай девонлардан бир нечасини бирлаштирган. Шу сабабдан мумтоз адабиёт вақиллари орасида ҳамма адиб ва шоирлар ҳам қуллиёт тузишға жуда "иштиёқман" бўлавершимаган.

Қўлёмалар орасида нуқсонли, чала кўчирилган ёки шеърлар арағлаш берилган қуллиётлар ҳам учрайди. Бу, бир томондан, ҳиссиз Вақтнинг иши, иккинчи тарафдан, шу ишнинг ўзи осон бўлмаганини кўрсатади.

Бадиий ижод масаласида мумтоз адабиёт вақиллари билан давримиз ижодкорлари ўртасидаги фарқ аниқгина каттадир. Қадимги адиб ўн ёки бир неча ўнлаб асар ёзган бўлиши мумкин. Шунга қарамай, аксарият ҳолларда муаллиф ўз асарининг бир, нари борса икки-уч нусхадан ортганини кўрмаган. Асар соҳибидан кейин ўзи мустақил яшашға маҳкум эди. У вақт тўғриси ва турли ижтимоий ҳодисалар гирдобидан омон чиқибди учун, албатта, бадиий пишиқ ва жамятининг қандайдир юқини кўтарган бўлиши лозим эди. Босмаҳоналар пайдо бўлган, ҳаётнинг барча синовларини енгиб ўтган муаллифлар асарларидан "жилд"лар тузилиб, "сайланма"лар олиш бошланди. Ҳаётийлик, юксак бадиият мумтоз адабиётда жилд ва сайланмаларнинг дунёға келиши ҳамма қилишидаги асосий ва оддий мезон, талаб эди. Институти яшанасидаги қўлёмаларда махсус "жилд"чилик ё шунга ўхшаган жараён, ёки бирор муаллифнинг кўп жилдлик асарлар ёзиш шiori билан атайин ҳаракат қилгани кўринмайди.

Мумтоз адабиёт намуналарини нашр этишда тадқиқотчи ва ношир сўзсиз амал қилиши лозим бўлган қатъий ва аниқ белгиланган ягона қоида йўқ. Масалан, Навоий асарлари қайсидаир нашриётда 10 ва бошқасида 15 ё 20 жилд қилиб чоп этилиши мумкин. Нашр ишда бир неча ҳолатта дуч келамиз. Жумладан, жилдлар ҳаммининг белгиланган шунда нашр этилажак асарларнинг қай даражада илмий тадқиқ этилган, унинг зарур илмий шарҳ ва изоҳлар билан қанчалик таъминлангани каби жиҳатлари эътиборга олинади. Асарнинг оддий ёки танқидий матниға қараб ҳам иш тартиби ва нашр меъёри ўзгаради. Бир муаллифнинг нашр этилган асарларини жилдларға ажратишда уларнинг ҳажми, мавзуси ва турлари ҳам ҳисобга олинади. Шунингдек, асарнинг бадиий савияси ва тарихий аҳамияти, миллат ва жамяти ривожига хизмат қилиши каби муҳим жиҳатлари "жилд" ёки нашр устида ишловчиларнинг диққат-марказида турлади.

Ҳозирги тушунчамиздаги саф-саф кўп жилдлик замонавий асарлар нашриёт ва босмаҳоналар маҳсулидир. Улар Адабиётнинг гуркираб ривожланганидан дарак берувчи ҳодиса эмас. Нашр этилган замонавий кўп жилдлик асарлар сафида пушқиларига нисбатан гўр ва ўрта-меъналарининг салмоғи муттасил ошиб бормоқда. Буни зукко мунаққид жуда яхши билди. Фақат у жим... Мазкур жараённинг олдини олиш ёки секинлаштириш мумкинми? Улардан кутулишининг илоҳи борми? Муаммо шунда. Ушбу саволлар худди: "Нега бу дарахт меваларининг ярми ҳар йили пишиқ қолади?" деган кабилдир. Дарахтнинг эгаси эса ҳаёт.

Ҳозир нашриёт санояти, деган нарса бор. Унинг мурватларини моддийлик ҳаракатға келтиради. Шунингдек, "пишиқ" ва "гўр"лик масаласи фақат Ўзбекистонға хос эмас. У Европа, Осиё ва Америкада ҳам мавжуд. Бизнингча, узун баҳс ёки махсус қарорлар бунга кеч қўя олмайдди. Агар ижодкорларни истеъдодли ва истеъдодсиз тоифаларға ажратсак, улар азалдан бор. Бундан кейин ҳам бўлади. Фақат "гўр" асарларнинг авж олиши — адабиёт хасталиги аломотидир. Аслида ҳар ўн-ўн бешта гўр ва ўртамеъна асар ёнида битта юксак ва мукамал бадиий асар пайдо бўлиб турса, бу хасталикни даволашға қийоқдир.

Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,  
ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими

**ТАХРИРИЯТДАН:** Куюнчак газетхонинг хатида кўтарилган масала бўйича адабиётшунослар Н.Раҳимжонов, А.Жуманазар ҳамда "Шарқ" нашриёти бош муҳаррири А.Аҳмедовнинг фикр-мулоҳазаларидан аён аниқлаштириб турибдики, "Танланган асарлар", "Сайланма"лар нашри адабий жамоатчилик, ижодкорлар, олим ва китобхонлар томонидан қизгин муҳокама этилиши лозим бўлган долзарб масалаға айланган. Биз, биринчи галда мунаққидлардан, адабиётшунослардан, шоир ва ёзувчиларимиздан, қолаверса, китобхонлар, газетамиз муҳлисларимиздан мазкур муаммо ҳақида фикр-мулоҳазаларини кутамиз.

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

## ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ

## Достон



## ЭЛОБОД

Суюклидир бори эл,  
Гарчи буни англайман.  
Сафар қилсам, негадир  
Нукус йўлини танлайман.

Кўп қатори тақдирнинг  
Жафосини кўрган эл.  
Вафо қилиб дўстига  
Вафосини кўрган эл.

Қараб турсам, феъли ҳам  
Ўзгинамга ўхшайди.  
Қисикқина кўзлари  
Кўзгинамга ўхшайди.

Варақласанг тарихин  
Бузилмаган тахи бор.  
Шоир десанг дегулик  
Муҳташам Бердахи бор.

Хаёлимда дарё ҳам  
Тўлиқиб, мавж ургандай.  
Соҳилида Ибройим  
Кулимсираб тургандай.

Кум кўпмикан ё душман,  
Тенги бари инсонлар.  
Бу элнинг бошидан ҳам  
Ўтди қанча тўфонлар.

Иродаю матонат  
Сабру бардошга дўнди.  
Кўмсалар, қўллари ҳам  
Саксувл бўлиб унди.

Қалпоғини бу элат  
Сара қалпоқ деганди.  
Қочаётиб, ёви ҳам  
Қара, қалпоқ деганди.

Йўлга чиқдим, ҳа, мен ҳам  
Бир муродни кўзлайман.  
Мен сизларга янги кент —  
Элободдан сўзлайман.

Юртни севсанг борин сев,  
Токи бўлсин дил обод.  
Қоқ чўлда Тожмаҳалдай  
Қад кўтарди Элобод.

Бу манзилдан мен доим  
Фахр билан қайтганман.  
Қулогига ҳаттоки  
Азонини айтганман.

Ҳасрат билан ва лекин  
Хотирлайман бир ҳолни:  
Худомни, бандасини  
Олиб қўйди Оролни.

Ўксимаган биронта  
Қорақалпоқ қолмаган.  
Лекин орзу қилишдан  
Улар асло толмаган.

Ер юзиде мурувват  
Кам бўлмасин, илойим.  
Мурувватнинг эгаси  
Энг аввали Худойим.

Ўққа учган ўғилдай  
Орол завол топганда.  
Чора излаб элу юрт  
Тўрт тарафга чоғганда.

Юмшадими само ҳам  
Сенинг дардли сўзингдан.  
Фарзандлар берди яна  
Кўнайнинг деб ўзингдан.

Ёрлақаса, ҳар қайда  
Шои, албатта, шои эрур,  
Элободнинг замини  
Ҳеч туганмас қон эрур.

Жамолини кўрсатди  
Қорақалпоқ зарлари.  
Бир ёнда жайрон кезар,  
Темир йўл ундан нари.

Амударё, мен сенга  
Топинганман пир мисол.  
Абдийсан дунёда  
Ҳазрати Хизр мисол.

Кўрдинг баланд, пасти ҳам,  
Кўрдинг яқин-йироқни.  
Асло ёлғиз қолдирма  
Мушфиқ қорақалпоқни.

Такбир айтар қалбалар  
Бошида дасторлари.  
Кўноқлари жам бўлса  
Янграйди алёрлари.

Шоирлари шеър ёзиб,  
Ўздан ҳеч ортмаган.  
(Илҳомини қайдан олсин  
“Қоратов”дан тортмаган).

Эзгулик яшар фақат  
Бу элнинг ўйларига.  
Чечаклар очилгандек  
Ақчақул бўйларига.

Манзилим Нукусмикан,  
Тошкентмикан ё Бўстон.  
Мен сени қуйлаб ўтдим,  
Ватаним, Ўзбекистон.

Раҳнамога меҳрини  
Кўрдим ҳар кўз-қароқда.  
Ушбу қутлов шеърини  
Ёздим Қорақалпоқда!



Мустақиллигимизнинг  
20 йиллигини катта қувонч билан кутиб  
олмоқдамиз. Албатта, тўйга ҳар ким ўз  
тўғнаси билан боришни хоҳлайди.  
Истиқлолимиз шундоқ улғувор ва  
залворли мавзуки, уни қамраб олиш  
учун ўнлаб романлар, юзлаб достонлар  
ёзиш керак бўлади. Мен ушбу  
тизмаларимда ўзим гувоҳ бўлган  
кўпгина ҳаётини воқеаларнинг  
айримларини қаламга олдим, холос.  
Бу ўринда менга халқона оҳанг ва  
қиссагўйлик мароқли туюлди.

Муаллиф.

## ЙИГИРМА ЙИЛ

Йигирма йил йўл босиб,  
Маккага етган каби.  
Юраклардан дард, алам,  
Армонлар кетган каби.

Ёхуд тинмай шунча йил  
Ҳикмат қонин қазгандай.  
Йигирма йил бир шоир  
Шоҳ асарин ёзгандай.

Кул босган ўчоқлардан  
Чиққан каби ўт-олов.  
Қўл етмас чўққиларга  
Қадалгандек туг-ялов.

Ёки эккан ниҳонинг  
Айлангандек чинорга.  
Номанг етиб боргандек  
Олисадаги ниборга.

Йигирма йил — уфққа  
Ташланган кўприк мисол.  
Ва ёки чашминг узра  
Саф тортган киприк мисол.

Жой талашар муттасил  
Оқшом билан саҳар ҳам.  
Дуч келгайдир ҳаминча  
Зафар билан хатар ҳам.

Карвон ўтди, гўёки  
Қашқир юрмас чўллардан.  
Йигирма йил тап тортмай  
Довулардан, дўллардан.

Арслонларнинг наъраси  
Кутку солса басма-бас.  
Сувараклар аҳли ҳам  
Тинч турганмас бир нафас.

Довонлардан шу тахлит  
Ғолиб ўтган карвон бу.  
Йигирма йил зил юкни  
Олиб ўтган карвон бу.

Бисотида бор унинг  
Асли башар зақоси.  
Аждодлар армонию  
Авлодлар муддаоси.

Эрк деб жангда ўлганинг  
Ёди ҳам у биландир.  
Адолат деб кетганинг  
Доди ҳам у биландир.

Унда не-не гулшанинг  
Таровати — атри бор.  
Гудакларнинг кулгуси,  
Шоирларнинг сатри бор.

Унда мушфиқ шу Ватан  
Камолотин кўргайдир.  
Саксон ёшли пирлар ҳам  
Йигирмага киргайдир.

Кимларгадир ёқмадик,  
Кимларгадир ёққанмиз.  
Не бўлса ҳам, она юрт  
Жамолига боққанмиз.

Сарбон ҳаққи, нор ҳаққи,  
Тоғдай баланд ор ҳаққи.  
Шундай элнинг то абад  
Тўй қилишга бор ҳаққи.

## ТОҒЛАР ҲИКОЯСИ

Бундан кўп йил муқаддам,  
Бошқа бир замонларда.  
Ўлиб ўтди зўр мажлис,  
Ҳисортоғ томонларда.

Тоғ дегани шунчаки  
Тошогаҳ жой эмас.  
Тоғликларнинг егани  
Нукул болу мой эмас.

Йил келмаса ўт қовраб,  
Булоқлар қуриб битар.  
Бир сел босса бувагининг  
Гўрнини ювиб кетар.

Ўздан ўтганини  
Тоғлик ўзи билгайдир.  
Молига шоқол, бўри  
Шерикчилик қилгайдир.

Деди: — Эшитганимни  
Эслаб қолдим шу чоқда.  
Қайдадир тапи эмас  
Газ ёнармиш ўчоқда.

Шу маҳал зўр мажлисини  
Зўр тўлқин чулғаб олди.  
Қаҳ-қаҳ уриб нечалар  
Қорнини чангаллаб қолди:

— Қаранг бунинг гапини,  
Чарх уради осмонда.  
Бўларини билмайди,  
Шуни учун чўпон-да!

Ўтовимда газ гўё  
Шамолдай елсин дейди.  
Кўйиб берсанг, тоғларга  
Поезд ҳам келсин, дейди.

Ўчоқларда ловуллаб  
Газлар ёна бошлади.  
Келинчақлар таппини  
Бир чеккага ташлади.

Мўъжиза атайсизми,  
Туш дейсизми — фарқи кам.  
Бир куни денг, тоғларга  
Кириб келди поезд ҳам!

Элу юртнинг кўзича  
Бунёд бўлди ҳаммаси.  
Таърифлашга бир ҳовли  
Бахши керак чамаси.

Зўр мажлисда қатнашган  
Ўша казо-казолар,  
Катта-кичик, баланд-паст,  
Ҳоказо-ҳоказолар.

Чўпоннинг ўтовига  
Туртишиб келишдилар.  
Газ ўчоқ кабобидан  
Газак ҳам қилишдилар.

Дедилар: — Ҳой биродар,  
Узр, кўзга илмамбиз.  
Айтганинг бари бўлди,  
Таъбирини билмамбиз.

Ўша йилнинг зўр тарих,  
Эсдан чиқмас умрбод.  
Қатнашган экан унда  
Мустақиллик деган зот!

## ҚАМЧИҚ ДОВОНИ

Йўлга чиқди Отабек  
Сарвати — кўрки билан.  
Тагида саман оти,  
Бошида бўрки билан.

Тақдир кўймиш бўйинига  
Севги деган юмушини.  
Кўмсайди Марғилонни,  
Соғинади Қумушини.

Бир томони Фарғона,  
Тошкентдир бир томони.  
Ўрталикда ястанган  
Юксак Қамчиқ довони.

Қул Ҳасанининг кўзлари  
Бўлмасин нечоғ тийрак.  
Йўл излайди бетиним  
Севгига асир юрак.

Ҳар кимни ҳам ҳар доим  
Таҳликага солган йўл.  
Юрганларни ўзига  
Мослаштириб олган йўл.

Отабек бўлмасам ҳам  
Сафарларни хуш кўрдим.  
Болалик йилларимдан  
Кенг йўллари туш кўрдим.

Умр ҳам ахир йўл-ку,  
Ҳаққинг йўқдир қутнишга.  
Демакки, масъулдирсан  
Уни босиб ўтишга.

Бу йўлларда тарих ҳам  
Карвонлардек маташган.  
Ҳатто юртнинг номини  
Довон дея аташган.

Ўзбекнинг белидаги  
Олтин камар эрур у.  
Кўшнинг саждагоҳи,  
Тахти Қамар эрур у.

Дуч келган чоғ тўғонга  
Дарё ҳам тингай бир пас.  
Учқур қушлар галаси  
Қайгадир қўнгай бир пас.

Бунда-чи, йўқдир тўхтов,  
У абадий сас каби.  
Ҳаётнинг ўзи мисол,  
Мунтазам нафас каби.


Эзгулик ўтар тун-қун  
Бу муаззам довондан.  
У ёндан эшик келса,  
Бешик борар бу ёндан.

Калавадек йўллари  
Ипак каби эшиллар.  
Тезроқ ет, деб дийдорга  
Тоғларни ҳам тешдилар.

Порлайди зумрад водий  
Узукмикан ё юлдуз.  
Қай бирини сўйлайин,  
Қай бирини айтай сўз.

Офтоб чиқса оламга  
Парвонаси келгайдир.  
Анджонун Наманган,  
Фарғонаси келгайдир.

Ризқ улашар йил бўйи  
Адиллари, қирлари.  
Асли шу заминдадир  
Дехқончилик пирлари.



Йигирма йил — донғил йил  
Камол тошган водийда.  
Қошида қалам ожиз,  
Мақтовлар ҳам оддий-да!

Асаканинг довруғи  
Ўхшаб кетар достонга.  
Машина харид қил-у  
Йўл олавер довонга.

Келгайдир тоғлар ошиб,  
Ноҳира қаломни ҳам.  
Шоҳимардон томондан  
Эски дўст саломни ҳам.

Гўзал бир шеърятнинг  
Мавжи ҳам водийдадир.  
Ҳофизлар овозининг  
Авжи ҳам водийдадир.

Атай ошиб довондан,  
Аския ҳам айтгайлар.  
Ўзларини ўзи ениб,  
Ғолиб бўлиб қайтгайлар.

Йўл кенгайса одам ҳам  
Ундан улғу олгайдир.  
Кимнингдир феъли аммо  
Торлигича қолгайдир.

Довон! Сен яқрайсан  
Минг хил рангу бўёқда.  
Менинг ҳам сатрим ахир  
Яшаб юрар у ёқда.

Довон! Сен ўзбек элин  
Фахрасин, шухратисан.  
Бор деса бор дегулик  
Шаҳдисан, қудратисан.

Довон узра Сарбоннинг  
Назари балқар доим.  
Бағринг тинч-у йўловчинг  
Ғам кўрмасин, илойим!

## ЖЕНЕВА

Саксоничи йилларнинг  
Ўрталари ёдимда.  
Ғалати дамлар кечди  
Ҳаёту ижодимда.

Кучи етган-етмаган  
Турткилашга уринди.  
Шунда йироқ манзиллар  
Паноҳ бўлиб кўринди.

Ёлғизнинг ёри Худо,  
Кўнглинг бўлмасин ярим.  
Женевага муттасил  
Кўчди хизмат сафарим.\*

Оҳ, Женева, Женева,  
Европа маликаси.  
Қари, баттол қитъанинг  
Ягона тинч ўлкаси.

Алп тоғин этаклари  
Яшнаб сочиб атирлар.  
Зангор кўл ёқасида  
Ям-яшил қир, адирлар.

Бунда ором ва шодлик  
Сингиб кетар нигоҳга.  
Афсуски, у қиз эмас,  
Олиб бўлмас никоҳга.

Ёлғиз эдим лекин мен  
Айнан учинчи кўздек.  
На бирон ватандош бор,  
Учрамас бирор ўзбек.

Халқини танитади  
Гоҳо якка бир инсон.  
Искандар юнон эди,  
Мўғил эди Чингизхон.

Темурбекни рақиблар  
Дафтардан ўчирганди.  
Ўзбекнинг шонини ҳам  
Масковга кўчирганди.

Замин узра манманлик  
Сурарди шундоқ даврон.  
Узун тунлар тушимга  
Кирарди Ўзбекистон.

Мен-ку чиқиб минбарда  
Виқор тўқай демасдим.  
Нима учун рўйхатда  
Ҳабашчилик эмасдим.

Ушалмасми пайт келиб  
Халқимнинг ҳам орузи.  
Тенг келмасми бир кунин  
Осмоннинг тарозуси.

Ҳа, юртим на сонда бор,  
На санокда бор эди.  
Йўқдир ҳуқуқи, ҳаққи,  
Тобе бир диёр эди.

Йигитнинг ҳам омаду  
Барорлари бўлгайдир.  
Аллоҳнинг қутилмаган  
Қарорлари бўлгайдир.

Фурсат етиб, яна бир  
Қайқалиб олди дунё.  
Ўзбекман! — деб юртимдан  
Чикди азамат сиймо.

Улуғ халқ азми билан  
Замона янги бўлди.  
Ўз туғи, ўз муҳри бор,  
Қошона янги бўлди.

Энди ортда қолганди  
Камситишлар, хўрликлар.  
Ўзбеки эзиб ётган  
Маломатлар, зўрликлар.

Энди мен иззати бор,  
Хурмати бор жон эдим.  
Рутбаси, Давлати бор  
Дахлсиз инсон эдим.

Йўлим тушиди баяқбор  
Европа томонларга.  
Бир тирик гувоҳ мисол  
Турфа хил замонларга.

Кутиб олди не юртлар  
Қўлда нону туз билан  
Саломларини етказдим  
Мен ҳам ёруғ юз билан.

Женевада йўлимга  
Дўстлар жамулжам чиқмиш.  
Хуш келдимиз, оға деб  
Ёлғизхонинг ҳам чиқмиш.

Ҳар йилнингда ўрнин бор,  
Эрта кундан кўнглим тўқ.  
Маъқул келса, ҳа дейман,  
Нобмақулга хушим йўқ.

Бошқалар қаторида  
Ҳилпирар юлдуз, моҳим.  
Сўзлай десам тилим бор,  
Бордир ўз қароргоҳим.

Йигирма йил ўтибди,  
Топдим, шуқур, ўзимни.  
Тингласанг тингла мени,  
Лекин бўлма сўзимни.

Қандайдир қарич билан  
Ўлчанмайди бу тарих.  
У мавжуддир, хоҳласин —  
Хоҳламасин муаррих.

2011 йил, июн-июл.

\* Шоир ўша йиллари Муаллифлик ҳуқуқини ҳамма қилиш идорасининг раиси сифатида Женевада ўтаган халқаро анжуманларда мунтазам қатнашиб келган (Тахририят).



